
Солиқ қарзи ундирилмоқда!

Туманда солиқ қарзини ундириш бўйича Солиқ ва бюро ходимлари иштирокида ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, маҳалла кесимида қарздорлар рўйхати шакллантирилиб, қарздорлардан солиқ қарзларини ундириш давом эттирилмоқда. Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро 04.08.2023 йилги Бешариқ тумани, Товул МФЙ, Узун қишлоғида яшовчи қарздор М.Т дан туман Давлат солиқ инспекцияси фойдасига 17.247.712 сўм миқдоридаги солиқ қарзи ундириш белгиланган. Мазкур ижро ҳужжати бюронинг Бешариқ туман бўлимига 10.08.2023 йилда келиб тушган ва ижро иши қўзғатилиб, мажбурий ижрога қаратилган. Қарздорга ижро ҳужжати талабларини бажариш учун 15 кунлик ихтиёрий муддат берилган ва ихтиёрий муддатда қарздорлик тўланмаган тақдирда ижро йиғими ва бошқа мажбурий ижро чоралари қўлланилиши тушунтирилган. Олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари давомида қарздордан 17.247.712 сўм солиқ қарзи тўлиқ ундирилиши таъминланди ва ижро ҳужжати Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 41-моддаси 1 бандига асосан таъминланди.

2023-11-27 08:10:47